

Даврлар хам худди одамларга ўхшайди: хар бирининг ўз табиати, хусусиятлари мавжуд. Айримларининг багри Ойбекнинг калбидек кенг, дарё, айримларининг эса Каххорнинг ёзиш услубидек сикик ва асабий. Инсоннинг феъл-атвори кўпгина факторлар - ота-онасининг ирсийбиологик томонидан баҳолаб унинг кандай оиласда, кайси муҳитда - кимлар даврасида ва кандай ўсиб-улгайганига боғлик бўлганидек, даврнинг табиати хам уни юзага келтирган одамларнинг ижтимоий-тариҳий, маънавий-психологик, илмий-техник жиҳатдан куролланганлик даражасига боғлик. Инсон ва давр - булар худди ер шарининг икки кутбидек бир-бирларини тортиб-такозо килиб туради. Инсонни кўп жиҳатдан ўз даври шакллантириб вояга етказганидек, давр хам ана ўша инсонлар жамулжамининг хол-ахволидан хосил бўладиган кайфиятдир. Собик Совет Иттифокининг "хе" йўқ, "бе" йўқ ўз-ўзидан тўзиб-тиркираб кетишининг асосли сабаблари бор: ўз даврида яшаётган инсон кайфиятини айнан шу даврнинг табиати "хазм килолмади". Бошқача айтганда, инсон ўз даврига сигмади. Чунки "империя" деб аталган улкан кафаснинг ташкарисидаги илгор цивилизация бўйидан у озми-кўпми хабардор эди. Мана шу хабардорлик алал-оқибатда ин-соннинг ўз давридан норозилигига олиб келди. Натижада мамлакатда ислохотлар ўтказилди. Бирок уларнинг таъсири кутилгандан тамомила ўзгача мевалар бериб, империя кулади. Тарихнинг ушбу ўгити муайян даврнинг кайфияти, унда амалда кўлланилаётган конун-коидалар мазмуни шу даврнинг битта бутинини ташкил этган якка шахс - инсоннинг эҳтиёж ва талабларига хамоҳанг тушмоги зарур эканлигини кўрсатди. Акс холда, мамлакатнинг тараккиёти у ёқда турсин, элементар осойишталиги хам мумкин эмаслигини исбот этди.

Шундай килиб, империя парчаланди. Кўплар катори 1991 йилда Ўзбекистон хам мустакил бўлди: у ўз байробги, гимни ва худудий чегарасига эга чиқди. Бирок бу хали мустакилликнинг илк кадами эди: хаммаси - чинакам мутакиллик, чинакам хурлик хали олдинда эди. Чунки кариб етмиш-саксон йил давомида узлуксиз юритилган империявий сиёsat туфайли бир неча авлоднинг мияси ўз даврининг мафкураси билан тўлиб бўлган ва уни киска вакт давомида уч-тўрт конунлар кабул килиб ўзгартириш мумкин эмас эди. Шундай килиб, истиклонинг машаккатли, лекин айни чогда шарафли одимлари бошланди...

Биз ушбу тўпламда сўз юритмокчи бўлганимиз адабиёт, хусусан, шеърият айнан мана шу даврнинг маҳсулидир. Демак, мазкур шеъриятда барча замонларда бўлганидек, ўз даврининг кайфияти, муаммолари ва кувончу алами акс этган. Модомики, мустакиллик даври адабиёти, хусусан, шеърияти тўгрисида баҳс юритмокчи эканмиз, масаланинг бир жиҳатига алоҳида эътибор каратмогимиз шарт. У хам бўлса, бу давр адабиёти, жумладан, шеърияти факат шу даврининггина меваси эмаслигидир. Худди шун-дай, хар кандай давр санъати ўзидан аввалги - салаф даврлар табиатига кайсиdir маънода фарзанд бўлади. Фикримизни очикрок айтамиз: муайян даврда санъат ва адабиётда кайта-кайта куйланган мавзулар замонлар ўтиши билан бошка бир даврда "унутилиши" ёки аксинча, ўтмиш даврда эътибор берилмаган ёки таъкик этилган у ёки бу гоя янги даврда баралла куйланиши мумкин. Ушбунинг сабаблари эса гоят тушунарли: муайян даврда маън этил-ган маълум бир гоя, мавзу, дейлик, инсон хукуклари, унинг гоят

субъектив кўнгил нидолари ўзга бир давр келиши билан шу даврнинг имконига, табиатига, йўналишига, максад-мудадосига караб туриб очик-ошкор тараннум этилиши кишини ажаблантирумайди. Чунончи, айнан шу конуният мустакиллик даври ўзбек адабиёти, айникса, шеъриятида яна бир карра ўз исботини топди. Кейинги 10-15 йиллик давр мобайнида шоир ўз нигохини ташкаридан - атрофда юз бераётган оламшумул вokea-ходисалардан узиб, ўз мискин кўнглига каратди ва уни "таржима" этишга киришди. Кўргим келмас яхши-ёмонни,
Бўгиламан, етмас нафасим.
Гул давралар менини эмас,
Менинг уйим - кўнгил кафасим.
(Зебо Мирзо)

Яъни испан эстети Ортега-и Гассет ёзганидек, шоир нигохини бир юз саксон градусга буриб, ўз кўнглига каратди. Демак, энди шоир учун энг мухим ёзиш хадафи - бу ўз юраги, ўз кайфиятидир. Бу санъатда яхши ходиса, ижобий томонга бурилиш эди. Чunksи канчадан канча даврлар бўлганки, шоир ўз кўнглини ифода килолмай, кўнглига киё боколмай, масалан, якин ўтмишда социалистик курилиш нафасини акс эттириш билан умри кечган. Кисматлари ана шундай аянчли ўтган шоирларга киёсланганда ўз кўнглини борича ифода килишга имкони бўлган мустакиллик даври шоирлари анчайин омадли чиқди. Лекин айни чогда, медалнинг иккинчи томонига эътибор каратамиз. Бу томоннинг авзойи демокдаки, шоирлар ўз кўнгиллари "таржимаси"га шу кадар берилиб кетдиларки, натижада ўзидан ўзгани "унутдилар". Гўё дунёда бир шу кўнгил ва унинг хакикати - ох-фигони мавжуд, колган хамма жонлию жонсиз ахамиятсиз ёхуд умуман мавжуд эмас. Бу хол айникса, ёш шоирлар ижодида бўртиб кўринди.

Ўкувчининг бир нарсага алоҳида эътибор беришини хоҳлар эдим. Вактида вульгар социологизм тарафдорлари шоирни ўз интим кечинмаларини когозга туширгани учун мавжуд тузумнинг "шонли" юришларини кўра олмаганликда, ўз кобигига ўралашиб колганликда айблашган ва натижада шоирлар турли хил кийнокларга, сургунларга, хатто катлларга гирифтор этилганлар. Бутун шукрим, ундей эмас. Хар кандай ижодкор ўзи истаганча кўнгил дунёсига гарк бўлиб, энг интим кечинмаларини тўйиб- тўйиб ифода этиши мумкин. Бирок эски, кариб етмиш йил хукм сурган тузум сиёсати хамиша тушовлаб келган субъективизм, интим туйгулар энди ўзини тамоман "кўйиб юборган" лигидан меъёрдан ошган холатларга хам дуч келяпмиз. Албатта, хаммаси тушунарли. Неча ўн йиллар давомида тизгинланиб келинган туйгулар имкон топилиши билан тўлиб-тошиб ўзлигини намоён килмокда. Шу билан бирга, ўзга бир хакикатдан хам кўз юммаслик керакки, кўнгилнинг изхори жудаям шахсийлашиб, жудаям майдалашиб бормокда. Кўпинча шеърда ифода килинаётган туйгу, кечинма, фикр ёки бирваракайига хаммасининг иштироки факат муаллифнинг ўзигагина тегишли, унгагина кизик, унгагина кадрли бўлиб колди. Уларнинг салмоги, кўлами, даражаси ўкувчининг кўнгил торларини чертишга кодир чиколмаётир. Чунончи, шоир севги хакида ёзадими ёки унинг бекатлари - висол, хижрон, ёлгизлик хакидами ёки дўстнинг дийдори, турли хил майший, ишкий муаммоларидан нолиб, Яратганга илтижо киладими ёки ундан нолийдими, барибир, хаммасининг моҳияти бир, у хам бўлса, дунёга келиб кетаётган хар кандай мавжудодга хос бўлган оддий жинсий-жисмоний майлларнинг шеър шаклидаги ифодаси бўлиб колаётир. Бошкача айтганда, уларнинг аксариятида сехр, ўзгачалик, баландлик ва энг мухими, кўнгилдан кўнгилга электр токидек улашиб кетадиган, уларни якдил, яккисмат киладиган юксак руҳий-маънавий атмосфера кўзга ташланмайди. Хатто изтироблар хам

анчайин юзаки ва юксиз бўлганидан ўкувчи калбини ларзага солиб, шоир ва у ўртасига кўприк ташломмайди. Натижада, у ёнда шоир ўз шеъри ва унда акс этган дарду кувончи билан ёлгиз, бу ёнда ундан рухий-маънавий озука, ором топмаган ўкувчи ўз коникмаслиги билан ёлгиз...

Яхшиямки, айтилганлар бутунги ўзбек шеъриятининг битта кирраси, холос.

Демокчимизки, у серкиррадир. Келинг, умумийрок бўлса-да, 90- ва 2000-йиллар ўзбек шеъриятини аввало, мазмун-моҳиятига кўра, сўнгра эса ифода усулига кўра фарқлашга уриниб кўрайлик. Албатта, шеъриятда санъатнинг бошка хар кандай турида бўлгани каби мазмун-моҳият ўша-ўшадир, минг йилликдир, азалийдир. Лекин тан олишимиз керак, хар бир давр ўз та-биатига, феъл-авторига ва максадига кўра ўша минг йиллик моҳиятни таснифлаб чикади. Дейлик, Навоий замонида шкала бўйича биринчи погонада турган маълум бир мавзу кунимизда иккинчи ёки хатто ўнинчи погонага тушиб колиши хам мумкин ёки аксинча. Шунинг учун хам бугунги ўзбек шеърияти мавзуларининг ишланиш кўлами ва даражасига караб таснифласак, тахминан куйидагича манзара кўз олдимиизда намоён бўлади:

- ишкий интим мазмундаги шеърлар, (бунинг ичига ёр жамолининг гўзаллигию унга интилаётган ошикнинг кувончу азобларидан тортиб хижрон изтиробига, баъзан висолдан батамом умиди узилган "юраги садпора"нинг ёзгиришларию афсус надоматигача акс этган шеърлар киради);
- интим мазмунли шеърлар, (бунинг ичига шоирнинг севги-мухаббат ва унинг сабаб-окибатларидан бошка, кўнгилнинг хар турли кўпдан-кўп майл ва интилишлари, инжикликлари акс этган шеърлари киради);
- мадхия-багишлов шеърлар;
- ухровий мазмундаги шеърлар, (бунинг ичига дунёнинг ўткинчилигига, умрнинг бебаколиги, банда ва худо ўртасидаги муносабатлар, Яратганга илтижо, охират ва унинг кайгуси, хаж таассуротлари акс этган хамда шу мазмундаги бошка тасаввуфона шеърлар киради) ;
- тарихий мазмундаги шеърлар, (бунга ўтмишда ўтган буюк бобокалонлар сиймолари ва хизматлари, тарихий ва муқаддас жойлар, удумлар, шахарлар акс этган шеърлар киради);
- панд-насихат шеърлар;
- Батан ва унинг мустакиллиги хакидаги шеърлар;
- ўлим мавзуидаги шеърлар;
- бошка хар хил мавзудаги шеърлар.

Албатта, бундай тасниф гоят шартли бўлиб, мавзу рўйхатини мантиқ доирасида кенгайтириш, торайтириш, баъзиларининг ўрнини алмаштириш хам мумкин. Лекин бу давр шеъриятида деярли барча мавзуларга шоир ўта субъективлик билан ёндашганидек умумийликдан кўз юмиб бўлмайди. Ишкий хамда бошка интим мавзудаги шеърларнинг салмоги энг баланд, хатто бундай мазмундаги шеърлар кейинги 15-20 йиллик ўзбек поэзиясининг асосий кисмини эгаллаганлиги хам хакикат. Энди келинг, битта мукояса килайлик. Асримиз аввалида, айникса, 20 - йилларда юрт озодлиги, истиклоли мавзуси бирламчи эди. Биргина Чўлпон мисолида айтадиган бўлсак, бу шоирнинг бутун ижоди багридан худди экватор чизиги каби бир чизик ўтадики, унинг исми юрт кайгусидир. 30-йилларда "коришик"лик устун бўлди. Бир томондан Чўлпондек етакчи шоирларнинг калами синдирилган, овози пасайтирилиб, кўплаб авангارد шоирларнинг "фанга юриши", социалистик курилишларга, эскиликни горат этиб, янгиликка овоз бериши кучайиб

бораётган бўлса, бошка томондан айни шу шоирларнинг дагал ижтимоий тамгадан анчайин холи кўнгил поэзияси - "соф лирикаси" дунё юзини кўрган эди. Янги ўзбек шеъриятида символизм хам дастлаб 30- йилларда яккол намоён бўлди. 40-йиллар эса ўз-ўзидан Иккинчи Жаҳон Уруши билан боғлик бўлиб, "Ёвга ўлим", ўз халкимизга "кўлингга курол ол" деган оташин тилаклар тилаш пафоси етакчилик килган. Кейин албатта, уруш даҳшатлари, фронт ортидаги укубатли, лекин шарафли меҳнат, аянчли, лекин ибратли кисматлар тўгрисида "сўз" юритган шеърият.

50- ва 60-йилларнинг ўрталари ўзбек поэзиясида ўзига хос тургунлик давридир. Тўгри, у тўхтаб колгани йўқ, хамма нарса хакида, барча мавзуларда калам тебратган. Лекин шоирнинг айтиётган гапи аслида ўзиники эмасди, улар совет империясининг дунё бўйлаб юритаётган сиёсатининг "соя"си эди. Ўша даврда бугунги шоирларимизда ортиги билан мавжуд бўлган субъективизм деярли маҳв этилган бўлиб, хамманинг гапи, шеъри гўё куйиб кўйгандек бир-бирига ўхшар, бири - иккинчисини тўлдириб, узвий давомини ташкил этарди. Албатта, ижодкор инсон сифатида тирик эди ва ахён-ахёнда шоирнинг ён дафтарида

Хакикат соковдир, заифдир инсон,
Тошлар хам йиглайди - сир тўла осмон.
Хакикий олам не? Жавоб йўқ, хайхот!
Файласуф тўкийди хисобсиз ёлгон,
(Ойбек)

деганга ўхшаш шеър парчалари учраб колардики, бу нарса ички "мен"нинг хали хам тирик эканлигидан, у атрофда бўлаётган ёлгонларни кўриб турганлигидан ва энг муҳими, унга кўникмаганидан дарак берарди. Йўқ, албатта биз мустабид совет тузумида яшаган барча шоирлар Ойбекдек кайфиятда бўлган, ичидаги бошка, ташидаги - ёзганлари, айтганлари бошка эди, дейишдан тамоман узокмиз. Чунки вактида хатто Ойбекдек шоирлар хам ўз даври би-лан хисоблашган, унга сидкидилдан ишониб, романлар, достонлар, шеърлар битганлар. Айни пайтда, юкоридаги тўрт катор шеърда акс этган кайфиятга хам тушиб турганлар. Бир даврнинг маҳсули бўлмиш ана шундай зиддиятли кайфиятлар хакикатини ёдга олган холда бир гапни таъкидлаб айтишини жуда-жуда истардим. Адабиётшунос олимлар, мунаккидлар ва умуман, санъат ва адабиёт хакида, даврларнинг хусусиятлари тўгрисида фикр билдираётган хар кандай зиёли киши карашларида кўпинча бир хил ёндашув такрор-такрор учраб туради. У хам бўлса, муайян давр ёки ёзувчи, шоирга хос бўлган битта жихатни дастак килиб олади-да, бутун мохиятни шу "ўк" атрофида айлантирмокка уринишади. Бу эса бирёкламаликдир. Бирёкламалик шуниси билан хатарлики, у хадаф хакида ўкувчida нотўгри ёки баъзан ёлгон тасаввур пайдо килиши мумкин. Масалан, машхур француз ёзувчиси Оноре де Бальзак бир дам хам кофе ичмасдан яшолмаган, деб айтсан, ўкувчida "демак, унинг иродаси ёш боланикдек бўш бўлган ва кофега, ундаги кокаинга ружу кўйган ёки бирон касали бўлган" деганга ўхшаш тасаввур пайдо килади. Агар у дастлаб ёзиш максадида ухлаб колмаслик учун кофе ичган ва кейинчалик бу одатий тусга кирган, деб ёзсан, аввало, хакикатни гапирган бўламиз, кейин эса ўкувчи ва Бальзак ўртасида тўгри муносабатнинг шаклланишига омил яратган бўламиз. Худди шундай, умуминсоний мавзулар хар даврда бўлган, хар давр кишиси севишга-севилишга, куёш, денгиз, токка карашга, булар тўгрисида ўйлашга, ёзишга хакли бўлган, лекин юкорида айтганимиздек, ўзи яшаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-психологик муҳит ва эҳтиёждан келиб чикиб харакатланганлар, ёзиб-чизганлар. Ёки "куёш" деб ёзганда хар бир шоир бу сўзга ўз

давридан, ўз маънавий-психологик даражасидан келиб чикиб маъно юклаган. Бу давр адабиётининг, хусусан, шеъриятининг яна бир ўзига хос хизмати шундан иборатки, у 60- ва 70-йиллар авлодини ўз багрида кўтариб юриб, вояга етказган. Ха, у шеъриятимизнинг забардаст авлодига хомиладор бўлганди. Буюк хизмат эди бу! Чунки Э.Вохидов, А.Орипов, Р.Парфи, О.Матчон, Ж.Камол, Х.Худойбердиева каби 60-, Ш.Рахмон, У.Азим, Х.Даврон... каби 70-йиллар авлоди чиндан хам бир неча ўн йиллик сукунатдан сўнг ўзбек по-эзия сида содир бўлган улкан вокеа эди!.. Нихоят, даврлар алмашди ва А.Орипов, Р.Парфи, Э.Во-хидов каби йирик шоирлар ўзбёк шеъриятини бир титратиб кириб келдилар. Улар руснинг улкан шоирлари А.Воз-несенский, Е.Евтушенколар катори ва уларга изма-из равишда инсонга тузумнинг битта керакли болти ёки бошка эҳтиёт кисми ўларок эмас, балки, аввало, инсон сифатида карай билдилар. Ажаб, шундан кейин совет давлатида, социалистик тузумда хам ўлим борлиги, кайгу-алам мавжудлиги, хокимият ўз фукароси бошини канчалик силаб-ўргилмасин, барибир, мусибат гоҳо хар кимни хам ўз каърига тортиши очик-ошкора маълум бўлиб колди. Албатта, булар олдин хам сир эмас эди. Бирок адабиёт ва санъат уларга деярли тўхталмас, тўхталса-да, баландпарвозлик билан эътиборни четга буриб, ўкувчини чалгитарди. Энди эса 60-йиллар шоири ўкувчини ана ўша ўлим билан, кайгу билан, мискинлик билан, йиги билан дунёнинг арзимаслигию ўткинчилиги билан ва хоказо кўпгина шундок ён-атрофдаю лекин юрак ютиб айтиш мушкул бўлган хакикатлари билан юзма-юз, ёлгиз колдирди. Шунда ўкувчи санъатга, адабиётга, шеъриятга ишона бошлади, уни ўз маҳбубасидек севди, алқади, кундузлари кўлидан кўймади, кечалари ёстигининг тагига яширди. Чунки мўъжазгина тўрт катор шеърда ёки шапалоқдек шеърий китобчада хаётнинг ўзидан кўра кўпроқ хаёт бор эди ўша пайтларда. Ха, 60-йиллар охири ва 70-йиллар бошида халкнинг кўнглидаги топиб айтган шоир салкам пайгамбардек мўътабар, нондек азиз эди одамлар учун... 70-йилларнинг шоирлар авлоди хам ўз гарданида ана шундай ижодкор баҳтини татиб кўрди. Энди бу авлод 60- йиллар авлоди анъаналарини хам давом эттириб, хам кисман улардан фарқ килиб, поэтик ургуни ижтимоийadolat масалаларига берди. Шавкат Рахмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон ва уларнинг бошка сафдошлари шеъриятни баъзан хатто мамлакатдаadolat учун кураш майдонига хам айлантириб юбордилар.adolat учун кураш,adolatпарварлик, нихоят, улар шеърларида мавжуд мустабид тузумга аввало ишора, сўнгра норозилик, пиравардида эса унга карши курашга чорлашгача ўсиб борди. Шунда аср бошида Ойбек шеъриятида муваффакият билан кўлланган, кейинчалик секин-секин унутилаёзган ифода усули - символизм, кучли образлилик яна ёрдамга келди. Айни пайтда, 70-йиллар авлоди шеъриятида ижтимоий рух баъзан хаддан зиёд куюклашиб кетадики, бир бет-икки бетлик маколада ёки бошка публицистик жанрда ифода килиниши мумкин бўлган карашларни хам бадииятга айлантиришга каратилган муваффакиятсиз уринишлар яккол сезилади. 80-йиллар шеъриятида хам деярли шу хол хукм сурган. Бунинг устига мамлакатда рўй берган либерал кайфият туфайли шеърда ялангочлик, бадииятсиз панд-насихат, курук чакирикдар, ёзгиришлар кучайган. Бир сўз билан айтганда, шеъриятни публицистика деярли маҳв этаёзган. Айни чогда, таъкидлаб айтиш жоизки, бу ўн йиллик ижтимоий-сиёсий жихатдан турли бурилишларга - кўтарилиб-тушишларга бой бўлганидек, адабиётда хам хилма- хил рух - кайфият хукм сурди. Хусусан, тасаввуф охангларининг кириб келиши ва умуман, бир ёнда оташин чакирикларга тўла шеърият,

иккинчи ёнда эса дунёнинг ўткинчи хою хавасидан гўёки кўлини ювиб кўлтигига урган хамда урфоний маърифатга интилган шеърият пайдо бўлди. Бу кисман шоирнинг ўз юрагига - мангу хаккатларга кайтиши билан изохланарди. Айнан шу хил шеърият 90- ва 2000-йиллар шеъриятига замин хозирлади, десак муболага бўлмайди. Чунки истиклол даври адабиёти, хусусан, шеъриятида субъективизм бўртиб туради. Демак, кейинги 15 йиллик шеърият, бир сўз билан айтганда, кўнгил шеъриятидир. Албатта, бу давр поэзиясида хам салаф даврларда бўлганидек, турли хил мавзулар тасвири, баёни учрайди. Жумладан, ўтмишдаги буюк боболар хаккига ёзилган, улар алканиб ёки истиклол, Ватан, миллий гурур мадх этиб битилган шеърлар талайгина. Бирок, барибир, 90- ва 2000-йиллар шеърияти ўз доминант хусусиятига кўра кўнгил лирикасидир, дея бемалол айта оламиз. Чунки бу даврда энг фаол ижод килган М.Юсуф, Б.Рўзимухаммад, А.Махкам, Э.Шукур, А.Кутбиддин, Фахриёр, Турсун Али, С.Саййид, И.Мирзо, З.Мирзо, Х.Ахмедова, Х.Рустамова, Р.Рахмат, А.Хайит каби ўнлаб шоирлар асарлари, аввало, ўз "мен"лари - кўнгиллари мевасидир.

"Хўш, бу кўнгил нимани куйлади? Унинг етакчи мавзулари нималардан иборат бўлди?" деганга ўхшаш саволлар тугилади. Назаримда, истиклол даврида хам шеърият хамма мавзуларни тараннум этди. Лекин у гоядан, гояпарастликдан анча узоклашди. Бунгача гоя ўзбек совет шеъриятининг (бутун санъатда бўлгани каби) бош аъмоли эди. Истиклол даври поэзияси гояпарастлик ўз кучини йўкотди. Шеърият хукмон гоядан - ягона етакчи мафкурадан чекинди. Шу билан бирга гоясизликнинг ўзи гўё гояпарастликка айланди... Бу жуда муҳим фактор. Чунки у шу давр шеъриятининг асосий хусусиятларидан бири. Хўш, нега бундай бўлди? Сабаби, бутун санъат, жумладан, шеъ-трият кариб етмиш йилдан бери хар-хил даража ва шаклларда зимдан интилиб келган асосий мавзу - истиклол, юрт озодлиги, миллат гурурининг тикланиши... янглиг муаммоларнинг барча-барчаси Ватаннинг мустакилликка эришуви билан хал этилган эди. Бу мамлакат учун оламишумул ходиса, битмас-туганмас кувонч эди, лекин адабиёт-санъат бир муадат ўзини йўкотиб, гангираб колди. Ки, у - халкнинг озодлиги, юртнинг истиклоли каби асрий мавзусини куйлашдан озод этилганди... Лекин узокка чўзилмаган тараддуддан сўнг шеърият (шоир) ўз нигохини ташкаридаги муаммолардан олиб, ичкарига - ботинга каратди. (Истиклол даври шеъриятининг тагин бир ўзак жихати шудир!) Натижада, ўзбек поэзиясининг хам чинакамига шарафли, кутлуг, айни чогда хам меъёридан ошган субъектов одимлари отила бошлади... Шарафли жихати шундаки, XX аср аввалидан бошлаб, яъни кариб юз йил деганда илк бор шоир ўзига ўзи тегишли бўлмок- да, илк бор у ўзи хохлаганча кўнгил розини тўкиб солиш хаккига эга чикмокда ва амалда у ўз хукукидан истифода этмоқда. А.Махкам, Э.Шукур, Б.Рўзимухаммад, М.Юсуф, А.Кутбиддин, Р.Рахмат, Фахриёр, В.Файзулло, А.Сайд, З.Мирзо, Х.Ахмедова, Ф.Камол, Х.Рустамова, Г.Бегимкаби шоирлар ижодидаги ранг-баранглик айнан ўша хукукларнинг мевасидир. Б.Рўзимухаммад шеърларини ўкиб кўринг. Уларда фукарони бирон бир буюк ишга даъват киладиган хеч канака оташин чакирик йўк, хатто пичокка илингулик бирон ижтимоий гоянинг ўзи хам кўзга ташланмайди. Лекин бу шеърият барибир биз хакимизда, инсон хакида, унинг тубсиз кўнглининг адоксиз сиру синоати хакида. Ёки Зебо Мирзо битикларини олинг. Айникса, унинг 2005 йилда чоп этилган "Нур кукунлари" деб номланган мўъжазгина китобини мутолаа килинг: хижрон, хижрон ва яна факат хижронни куйлади бу шеърлар. Гарчи хижрон туйгуси умуминсоний бўлса хам йигирма йил олдин бошдан-оёқ хижрон мадх этилган шеърлардан таркиб топган тўплам аввало, дунё юзини кўрмас эди. Мабодо баҳтли (у пайтлар баҳтсиз!) тасодиф туфайли кўриб

колса, партия йигилиши ёки бошка шунга ўхшаш бирон "жиддий" мажлисда шоирни сентименталлик балчигидан олиб жамиятнинг порлок келажагини кўролмайдиган, кобигига ўралиб колган худбинлик боткогига тикишган бўларди. Ўкувчилар ва хатто адабий танқидчилар орасида халигача шундай фикрлайдиганлар мавжуд ва улар ахён-ахёнда бадиий асарларни ўтмишнинг ана шундай мафкуравий кўзойнаги оркали тахлилу-тадқик этиб, хукмнамо хulosаларини чикараётган бўлса-да, шукрлар бўлсинким, ўз кўнглидаги гоят интим кечинмаларни тўкиб согани учун, "йиглокилик" килгани учун шоирни хеч ким хибсга олаётгани, дорга осаётгани йўк. Айни пайтда, истиклол даври шеърияти факат кўнгилнинг интим кечинмаларини куйлаш билан чегараланиб колгани хам йўк. А.Орипов, Т.Махмуд, С.Сайд, И.Мирзо, М.Мирзо каби ўнлаб шоирлар ижодида она-Ватан, ўтиб кетган улуг бобока-лонлар, миллий гурур, урф-одат мадхи ўзбекнинг хеч кимдан кам эмаслиги... мавзулари анча баланд пардаларда тараннум этилмокда... Истиклол даври шеъриятининг бошка бир жихати, субъективизм меъёрининг ошиб кетишидир. Эҳтимол, бундай дейишнинг ўзи бироз эриш туюлади. Чунки ўзбек поэзияси XX асрнинг 90-йилларигача деярли айнан шу нарсага эҳтиёж туйиб келган эса-да, субъективизм адабиётимизда кўрина бошлагандан 15 йил кейин "субъективизм меъёри ошиб кетди" дея ёзгирсак, албатта гашимиз келади-да. Лекин, на чора, хакикатнинг кўзларига тик караш керак. Шундай килинганда, аён бўлган бор гап шундан иборатки, 90- ва 2000-йилларда фаол ижод килаётган кўпчилик шоирларимиз ижодида сўзнинг хакикий маъносида ўз субъектив дунёсига махлиёлик мавжуд. Унинг учун фактат ўз олами ва бу оламда ўзигагина алокадор дардлари бор, бошка хеч ким ва хеч нарса шоир кўнглини безовта килишга кодир эмасдек. Албатта, бу билан биз шоир ўз оламини ифода килмаслиги керак, демокчи эмасмиз. Бизнинг таъкидлаб айтмокчи бўлаётганимиз, шоир кейинги 15-20 йил мобайнида бир кадар кичрайиб бораётгандек, "майдагап"га айланиб колаётгандек. Солишириш учун бир-икки мисол келтираман. Адабиётимиз тарихига назар ташлаймиз. Чўлпонни, Х.Олимжонни, Г.Гуломни, берироқдаги А.Орипов, Э.Воҳидов, Р.Парфию, Ш.Равхмонни эслаймиз. Улар ёзган, каламга олган мавзуларни ёдга оламиз. Чўлпон озодликни, истиклолни куйлади. Бу халк дарди эди, бирок Чўлпон шу дардни ўзиники килиб олди, гўё миллат кайгусини ўз бошига тилаб олгандек. Кўпнинг орзу-армони шоир "мен"ида персонификация бўлди. Натижада Чўлпон юраги озодлик учун кайурган, кон тўккан халкнинг калбига айланди. Унинг шеърларини ўкиб туриб, хаёлга хеч качон "бу кўпчиликнинг, бирорнинг дардини куйлаяпти" деган ўй келмайди, аксинча, шоирнинг ягона ва энг муқаддас дарди айнан Ис-тиклол бўлганига шубха килмайсан, киши: яъни Чўлпонда якка шахс-шоир ва кўпчилик - умумхалк дарди, орзу-армони тенглашган:

Ай! Сен мени хакир кўрган, тубан деган афанди!

Ай! Устимда бир умрга хўжа бўлмок исшаган,

Ай! Бўйнимга киshan солиб, халокатга судраган, Кўзларингни захарлатиб ўйнатмагил, бас энди!!

Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким, узулур, Томиримда кўзголишнинг вахший кони гупурди.

Эски фикр, анъаналар энди буткул узулди,

Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузулур!

Ай! Сен, мени кул ўрнида ишлатувчи афанди!

Титра, кўрк-ким, баглик, кулинг бosh кўтарган куч энди!..

Х.Олимжоннинг Ўзбекистон шеърида, Г.Гуломнинг "Сен етим эмассан", "Согиниш",

"Кутиш", "Вакт" каби шеърларида хам шунга якин холни кузатиш мумкин. 60- йилларга келиб эса шоир "йиглай" бошлади. Карангки, бу йиги халкнинг бўгзида котиб турган экан. Бошкача айтганда, шеъриятга мунг кириб келди ва у кўпнинг юракларида тошнинг эришига ёрдам берди. Ёки 70-йиллар авлоди шеъриятидагиadolатта ташналини эслаб кўринг. Буларнинг хаммасини шоир тўкиб ёзгани йўк. Булар - Истиклол, мунг,adolatparvarlik... аввало, халкнинг бир бўгини - шоир шахсиятида пишиб етилди, сўнг табиий нидо бўлиб, атрофга ёйилди. Афсуски, хозир том маънода ана шундай шоир йўк. Яъни истеъодлар кўп бўлишига карамай, шоир мени ва халк иродаси ўзаро бир жойда тенг келган, бир-бирига пайвандланиб, уйгуналашган, на-тижада битта кучга айланган шеърий ходиса кузатилаётган эмас. Хўш, нега? Чунки, совет империяси кулаб, юртимиз мустакил бўлгач, мамлакатда (худди собик Иттифокнинг ўзга республикаларида бўлганидек), ўзга ижтимоий-сиёсий, маданий-психологик кайфият бошланди. Аввалги ягона хукмрон синф - "ишчи меҳнаткашлар" ўз кобигини ёриб чикиб, кўпдан-кўп ва хилма-хил моддий ва маънавий даражага, кайфиятга мансуб табакаларга бўлинниб кетди. Окибатда, жамиятда турли-туман кайфиятдаги катламлар пайдо бўлди, бу собик Иттифок давридаги ягона синфнинг деярли бир хил кайфиятидан тубдан фарқ киларди. Шоир эса... шоир битта. У бир пайтнинг ўзида хамма катламларнинг бир-биридан кескин ажралиб турувчи кайфиятини ифодалай олмайди. Кўринадики, шоир хар канча тиришиб, кўп ёзгани билан ўзи якин бўлган кайсиdir катлам нуктаи-назарини ёрита билади, холос. Бу - биринчидан.

Иккинчилан. мамлакатнинг дунёга очилиши билан бирга, хаётимизга хамма соҳада жадал суръатда янги техника кириб келди: замонавий автомобиллар, уяли телефонлар, компьютерлар, DVDлар ва хоказоларнинг турмушилизга, яшаш ва фикрлаш тарзимизга таъсири мисли кўрилмаган даражаларга етди. Кўп холларда шоирнинг табиий, лекин заифгина овози юкоридаги саналган ва саналмаган техниканинг сунъий, аммо жуда баланд нотадаги жаранги ичида йўколиб кетди. Замондош инсоннинг фикру ёди энди бутунлай бошка нарсалар, ўзга дунёлар билан банд бўлиб, шеърга, адабиёт ва санъатга жуда кам ёки хеч кан-дай вакт ажратмай кўйди. Кўринадики, шеъри ўкилмаган шоир ўз-ўзидан жамиятга, одамларга таъсир кучини йўкотиб, маълум маънода ўзи билан ўзи "уралашиб" колди. Субъективизмнинг кучайганлиги, шоирнинг факат ўз кўнгли билан тиллашишга интилаётгани сабабларидан яна бири - шу!

Учинчидан. собик Иттифок даврида "дин - афъюнтир!" дея атеистик сиёсат юргизилган, натижада одамлар юрагидаги илохиётга бўлган ишонч, интилиш маълум маъно-да адабиёт ва санъатга томон йўналтирилган эди. Тўгрироги, улар ўша эхтиёжларини китобдан, адабиёту санъатдан топмокчи бўлардилар, маълум маънода топардилар хам. Демак, бу ўринда адабиётнинг жамиятдаги, одамлар хаётидаги ахамияти ортиб, муқаддаслик касб этганди. Иттифок парчаланиб, хар бир республика ўз ихтиёрига эга бўлгач, мамлакатда динга йўл очилди, одамлар эмин-эркин диний маросимларини, кундалик фарзларини бажара бошладилар. Натижада адабиётдан дин "ажралиб" чиқди. Худди шунингдек, аввал адабиёт-санъат рамзий маъноларда бўлса хам хакикатни айтиш майдони эди. Кейин адабиёт зиммасидаги бу ишни публицистика бажара бошлади.

Адабиёт янада "кичрайди". Шу тахлит адабиётдан, шеъриятдан бирин-сирин кўшимча кучлар ўз "юрти"га учиб кетди ва у ўз "уий"да ёлгиз колди. Хўш, бу нимани билдиради? Илгари диний эхтиёж туфайли шеър, роман ўқиган ўкувчи энди тўғридан тўғри диний адабиётни, ижтимоийadolат кидириб санъатга бош урган ўкувчи эса шеър, кисса воситачилигисиз турли макола ёки бошка публицистик ада-биётни мутолаа килишга

киришди.

Туртнинчидан, тамаддун суръати ва табиати бутун дунё халклари орасида тамомила ўзгача бир кайфиятни вужудга келтирди. У хам бўлса, инсон мавкеи, соглиги, тириклигининг нихоятда омонат эканлиги, улар кайси бир давлатлар раҳбарларининг келишмовчилиги ёки кайбирларининг ногуманистик сиёсати туфайли ва ёхуд экологик муаммолар, табиат инжикликлари, хусусан, тўфонлар, бўронлар, зилзилалар окибатида бутун-бутун шахар ё кишлоклар тақдири кўз очиб юмгунчалик фурсат ичидаги хал бўлиб колишининг шоир психологиясига таъсири билан белгиланади. Бунинг окибатида инсоният абадий кадриятлар хакида эмас, бугунги омонат ширин жони тўгрисида кўпроқ бош котиришга мажбур бўлмокда. Шоир-чи? У осмондан тушган фарипгга эмас, шоир калби замин устида неки содир бўлаётган бўлса, одамлар хаётида, онгода, кайфиятида нимаики яхши-ёмон юз бераётган эса хаммасини ўз ойнасида акс эттиргувчи шаффоф ва хассос борлик бўлиб, гирдблар марказида колиб кетмоқда. Чинакам шеърият эса одатда мангу кадриятларга ошно бўлгандагина ўз кудратига эга бўлади...

Хуллас, кидирса, сабабларнинг бешинчиси хам, ўнинчиси хам топилади, албатта. Лекин, ўйлайманки, белгиловчи асосийлари юкорида саналганлардир. Маълум маънода бугунги шоир - истиклолимиз даврида ижод килаётган санъаткор, тўрт катор шеър ёзиш учун, аввало, ана шундай сабаблар - ижтимоий-психологик мухит тўсикларини ёнгиб ўтиши керак ва ёнгиб ўтиб калам тебратаетган жасорат сохибларидир.

Истиклол даври адабиёти, хусусан, шеърияти борасида сўз юритганимизда кейинги 15-20 йил мобайнида тобора ўз мухлислари меҳрини козониб бораётган модернистик шеърият устида хам тўхталмок жоиз. Чунки XX аср аввалидан бери шеъриятимиз асосан бармок вазнида, хамда кисман арузда ўзини намоён этиб келган эди. 70-80- ва айникса, 90- ва 2000-йилларда анъанавий поэзиядан хам ифода усулига кўра, хам мазмун-мохиятига кўра етарлича фаркланиб турувчи шеърий йўналиш пайдо бўлиб ва ўз ўрнига эга бўлиб улгурди. Аслида, бундай шеърлар ўша Чўлпонда, кейинрок Аскад Мухтор, Рауф Парфилар ижодида хам мавжуд эди. Бирок шаклланаётган йўналиш сифатида у 90- ва 2000-йилларда ўзини кўрсатди. Бу йўналишнинг асосий хусусиятлари куйидагилардан иборатdir:

- воеабандликдан, тасвирдан, баёндан деярли воз кечиш ва бунинг ўрнига метафора ва деталларга ургу бериш;
- сикиклик;
- бутун хакида парча оркали маълумот етказиш. Чунончи, биргина гамгин кўзлар ифодаси оркали инсоннинг бутун-бутун холатлари, кечинмалари, орзу-армонлари... тўгрисида хикоя килишга уриниш;
- шоир "мен"и учун кўнгилнинг, унинг холатию "дунёга караши"нинг бирламчи эканлиги;
- шаклда ўзига хослик. Ёки шаклда шаклсизлик, деса хам бўлади. Албатга, модерн шеър хам ўзига хос ритм ва бошка муайян коидаларга амал килсагина юкори таъсирлилик даражасига эришмоги бор гап. Лекин унинг учун мухими - шакл эмас, бу шеър гояни шаклга эмас, балки шаклни гояга курбон килиб юборади ва хоказо...

Истиклол даври шеърияти ифода усулига кўра хам турли-тумандир. Фикримизча, шулардан асосийлари бештадир:

1. Анъанавий бармок
2. Халкона оханг
3. Аруз
4. Модернистик оханг (ёки охангсизлик)

5. Синкетик (коришик) ифода усули...

Албатта, бундай таснифлашнинг каериададир баҳсталаб ўринлари, мулохазали жойлари бўлиши мумкин. Лекин муҳими, мазкур мўъжазгина тадқикотимиз шуни кўрсатмоқдаки, Истиклол даври ўзбек шеърияти бу фойдали ёмгиридан сўнг потраб ўсиб чиккан кўзикорин эмас, аксинча, асрлар давомида тинимсиз ўзгариб-янгиланиб келаётган ўлмас жараённинг конуний бир узви бўлиб, ўзида жуда катта ва кўпдан-кўп тажрибаларни жамлаган гоят мураккаб ва бебаҳо санъатимизнинг бир бўлагидир. У шуниси билан ўзидан аввалги барча даврларга хам ўхшайди, хам ўхшамайди. Ўхшаш жихати - ўша даврлар шеъриятидан ўсиб чиккан, бинобарин, уларнинг энг яшовчан унсурларини ўзига мерос килиб олган. Фаркли жихати - дунёга кенг очилган жамиятнинг, хусусан, унинг бир аъзоси хисобланмиш шоирнинг озод тафаккурини ўзида акс эттиради. Шунинг учун у турфа моҳиятга эга. XX аср аввалидан ибтидо олган янги ўзбек шеърияти хам якранг эмас эди, бирок, барибир, у умумий яхлит гояга кайси бир жихатлари билан бўйин сунарди. Бугунги шеър кечаги ижтимоий-сиёсий, мафкуравий битиклардан фарқ килиб, бу - субъект нидоси, шахс бўлиб етишиш йўлидаги Шоир хайкириги. Унинг кучли ва ожиз томонлари шу ерда мужассам...

Улугбек ХАМДАМ “Янгиланиш эҳтиёжи” китобидан